XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI
Q A R O R I

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2021 - yil 30 - dekabr VI-27-64-5-0-K/21 Navoiy viloyat hokimligi

Навоий вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429, 437-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Ботиралиевнинг вилоятда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларини белгилаш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Навоий вилояти бўйича камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўлланган ҳолда 2022 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар 1-иловага, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар 2-иловага мувофиқ белгилансин.

3. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига кейинги солиқ даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари учун белгиланган солиқ ставкаларига тегишлича камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни ҳудудларда жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритилишини таъминлаш тавсия этилсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов) ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Т.Ўринов) зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарор 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

Сессияда раислик қилувчи **Ж. Ҳамраев**

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-27-64-5-0-K/21-сон қарорига
1-илова

Навоий вилояти бўйича 2022 йил учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар

сўмда

Т/р	Шаҳар, туманлар номи	2022 йил учун белгиланган солиқ ставкаси		
		Солиқ кодексидаги базавий ставка *(1 кв.метр учун)*	Қўлланиладиган коэффициент	Солиқ ставкасининг аниқ миқдори *(1 кв.метр учун)*
1	Навоий шаҳар	260,0	1,3	338,0
2	Зарафшон шаҳар	260,0	1,1	286,0
3	Учқудуқ тумани	260,0	1,0	260,0
4	Конимех тумани	260,0	1,0	260,0
5	Қизилтепа тумани	260,0	1,0	260,0
6	Томди тумани	260,0	1,0	260,0
7	Навбаҳор тумани	260,0	1,0	260,0
8	Хатирчи тумани	260,0	1,0	260,0
9	Нурота тумани	260,0	1,0	260,0
10	Кармана тумани	260,0	1,0	260,0
11	Ғозғон шаҳар	260,0	1,0	260,0

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-27-64-5-0-K/21-сон қарорига
2-илова

Навоий вилояти бўйича 2022 йил учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича қўлланиладиган ставкалар

сўмда

Т/р	Шаҳар, туманлар номи	2022 йил учун белгиланган солиқ ставкаси		
		Солиқ кодексидаги базавий ставка *(1 гектар учун)*	Қўлланиладиган коэффициент	Солиқ ставкасининг аниқ миқдори *(1 гектар учун)*
1	Навоий шаҳар	29 000 000,0	1,3	37 700 000
2	Зарафшон шаҳар	29 000 000,0	1,1	31 900 000
3	Учқудуқ тумани	29 000 000,0	1,0	29 000 000
4	Конимех тумани	29 000 000,0	1,0	29 000 000
5	Қизилтепа тумани	29 000 000,0	1,1	31 900 000
6	Томди тумани	29 000 000,0	1,0	29 000 000
7	Навбаҳор тумани	29 000 000,0	1,0	29 000 000
8	Хатирчи тумани	29 000 000,0	1,0	29 000 000
9	Нурота тумани	29 000 000,0	1,0	29 000 000
10	Кармана тумани	29 000 000,0	1,1	31 900 000
11	Ғозғон шаҳар	29 000 000,0	1,0	29 000 000